

Авратни тўсиш намоз шартларидан биридир



12:30 / 09.07.2019 2293

«Аврат» инсоннинг уят жойи маъносини билдириб, уни тўсиб намоз ўқиш лозим. Бўлмаса намоз бўлмайди.

Аллоҳ таоло: **«Эй Одам болалари ҳар бир масжид ҳузурида зийнатингизни олинг»**. **«Ва кийимингни покла!!!»**, деган. (Муддассир: 4-оят)

Шарҳ: Бу оятдаги зийнатингизни олинг, деган амр авратингизни тўсинг, маъносидадир. Шунинг учун авратни тўсиш намознинг шартларидан бири бўлиб қолган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб турдида, битта кийимда намоз ўқиш ҳақида сўради. Бас, у зот: **«Ҳаммангиз ҳам икки кийим топа олармидингиз?»** дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ривоятдан эркак киши авратини тўсиб турадиган битта кийим билан намоз ўқиса бўлиши келиб чиқади. Агар кўйлак ҳам, иштон ҳам

бўлса янада яхши. Аммо битта бўлса ҳам жоиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўровчига, «ҳаммангиз ҳам икки кийим топа олармидингиз?» дейишларидан ўша пайтда саҳобаи киромларнинг кийимлари етарли бўлмагани кўринади.

Бухорий зиёда қилади:

«Сўнгра бир одам Умардан сўради. Бас, у: «Қачон Аллоҳ кенг қилса, сизлар ҳам кенг бўлинглар. Одам кийимларини ўзича жам қилди. Одам лунги ва ридо билан, лунги ва кўйлак билан, лунги ва қабо билан, иштон ва ридо билан, иштон ва кўйлак билан, иштон ва қабо билан, туббон билан, қабо билан, туббон ва кўйлак билан, менимча, яна туббон ва ридо билан намоз ўқийверади», деди».

Шарҳ: Бу савол ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида берилган бўлса керак. У киши розияллоҳу анҳу кийим қанчалик яхши бўлса, намоз учун шунчалик яхшилигини баён қилиб бермоқдалар.

Бу ривоятда ўша пайтда кенг тарқалган кийимларнинг номлари зикр этилмоқда.

«Лунги» эркак киши белидан пастига тутиб оладиган чойшабга ўхшаш нарса, арабчада «изор» дейилади. Бу кийим иссиқ ўлкаларда кенг тарқалган.

«Қабо» олди очиқ яқтакка ўхшаш узун кийим.

«Туббон» аврат жойинигина тўсадиган калта иштонга ўхшаш кийим.

Умумий тавсия бўйича намозга пок, авратни тўсадиган кийимлар бўлаверади. Иложи борича, яхши кийимлар бўлса янада яхши.

Юқорида ўтган: **«Эй Одам болалари, ҳар бир масжид ҳузурида зийнатингизни олинг»** деган оятни баъзи кишилар энг зийнатли кийимларни кийиш, деб тушунганлар ва намоз учун алоҳида кўркам кийимлар тиктириб қўйишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз кийимидан елкасига бир озни қилмай туриб намоз ўқимасин», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ривоятдан кийимнинг бир қисми елкада туриши тушунилади. Албатта, ўша вақтдаги кийимлар ҳақида сўз бораётгани аниқ. У вақтда кийими озлигидан қийналишган. Демак, ҳозирда иложи борича яхши кийим ила намоз ўқишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бир кийимга ўраниб, икки тарафини елкаларига ташлаб олиб намоз ўқиётганларини кўрдик».

Икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Демак, ана шундоқ қилиб ҳам намоз ўқиш жоиз.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ипак фарруж ҳадя қилинди. Бас уни кийиб намоз ўқидилар. Сўнгра бурилиб, худди уни ёмон кўргандек шиддат билан ечдилар ва: «Бу тақводорларга тўғри келмайди», дедилар».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадис ровийи Уқба ибн Омир билан яқиндан танишиб олайлик.

Уқба ибн Омир ибн Наби Ансорий ас-Саламий. Аввалги Ақба байъати, Бадр, Уҳуд ва бундан бошқа бир неча ғазотларда иштирок этганлар. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу Ямома кунида шаҳид бўлдилар.

«Фарруж» – олди очик яқтакка ўхшаш кийим. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга турли ўлка ва диёрлардан кийимлар ҳадя қилинган. Унча кўп бўлмаса ҳам шунга ўхшаш баъзи ҳадялар бўлган. Миср, Яман ва ҳабашистондан ҳадя қилинган кийимларни кийганлари маълум.

Бу ривоятдаги «фарруж» ҳам ажамларнинг кийимларидан. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кийиб намоз ўқиганлару, аммо кейин ундаги камчиликларни мулоҳаза қилиб, дарҳол ечганлар ва бундоқ кийимни кийиш тақводорларга тўғри келмаслигини айтганлар.

Ўша «фарруж» ипақдан бўлгани ва унда намоз вақтида эътиборни жалб қиладиган нарсалар борлиги учун дарҳол ечганлар.

Демак, намозда ана шундоқ кийимларни эмас, шариат кўрсатмаларига мос кийимларни кийган маъқул.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сон авратдир»**, дедилар».

Бухорий, Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилган.

Шарҳ: Эркак кишининг сони аврат саналади, уни тўсиб юриши фарз. Намозда тўсиши, албатта, шарт.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сонингни очма, тирикни ҳам, ўликни ҳам сонига қарама»**, дедилар».

Абу Довуд, ал-Ҳоким ва ал-Баззолар ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадисда ҳам соннинг аврат экани таъкидланмоқда. Киши ўз сонини очмаслиги, хоҳ тирик бўлсин, хоҳ ўлик бўлсин сони очиқ одамга қарамаслиги уқдирилмоқда. Шундоқ экан, сонни намозда бекитиш, албатта, зарур бўлади.

Амр ибн Шуъайбдан, у отасидан, у бобосидан розияллоҳу анҳум ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қачон бирингиз ходимини, қулини ёки мардикорини уйлантирса, унинг киндигидан пастига ва тиззасидан юқорисига назар солмасин»**, дедилар.

Абу Довуд, Дора Қутний ва Байҳақийлар ривоят қилган.

Шарҳ: Бундан ходим, қул ва мардикорларни паст санаб авратига қараса бўлаверади деган хулосага бориш нотўғри экани тушунилади.

Маймуна розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хумранинг устида намоз ўқир эдилар».

Тўртовлари ривоят қилган.

Шарҳ: Хумра – хурмонинг баргидан қилинган кичик жойнамоз. Бундан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жойнамоzlари содда бўлганини билиб оламиз.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Сулаймни зиёрат қилар, аҳёнда намоз вақти бўлиб қолса бизнинг ерга солиб қўйган нарсамизда намоз ўқир эдилар. У бўйра бўлиб, устидан сув сепиб турар эдик».

Бешовлари ривоят қилган. Лафз Абу Довудники.

Бошқа ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бўйра ва ошланган тери устида намоз ўқир эдилар», дейилган.

Шарҳ: Бу ривоятлардан ерга солиб қўйилган нарса, бўйра ва ошланган тери устида намоз ўқиш тўғрилигини билиб оламиз.